O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 2 февраль, № 24 (4434) Шанба


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2008 йил 5-6 февраль кунлари расмий ташриф билан Россияда бўлади.

Учрашувлар чоғида томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

***Токиода Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти тақдимоти ўтказилди. Япониянинг "Club Tourism International" компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда «Кунчиқар юрт»нинг маданий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, пойтахт аҳлидан иборат саёҳат ишқибозлари иштирок этди.***

## ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

▼ Дунё нигоҳи

"Club Tourism International" янги ва муваффақиятли фаолият юритиб келаётган компаниялардан бири бўлиб, сўнгги йилларда юртимиз сайёҳлик бозорида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга эришди. У Ўзбекистон туристик фирмалари билан ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиб, Япониядан мамлакатимизга келувчи сайёҳларнинг умумий оқимидаги улушини 15 фоизга етказа олди.

Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойлари тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм меҳмонлар эътиборига тақдим этилди. Шунингдек, юртимиз халқ амалий санъати кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Тақдимотда иштирок этган «Кунчиқар юрт» вакиллари Япониянинг "ЭН-ЭЙЧ-КЕЙ" ва "ТИ-БИ-ЭС" телерадиокомпаниялари каналларида намойиш этилган "Замонавий Буюк Ипак йўли" ва "Самарқанд маданиятлар чорраҳасида" номли ҳужжатли фильмларини томоша қилгач, Ўзбекистонга қизиқишлари ортганини таъкидладилар.

"Club Tourism International" компаниясининг масъул ходими Томое Соганинг сўзларига қараганда, Япония дунё сайёҳлик саноатининг асосий донорларидан бири ҳисобланади. Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ушбу мамлакатдан Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар сони йил сайин ошиб бормоқда ва бу туризм соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон дунё эътирофига сазовор бўлган бой маданий ва тарихий меросга эга. Япониядан келаётган сайёҳлар, айниқса, ўзбек халқининг ўзига хос маданияти ва анъаналарига қизиқиш билдирмоқда. Икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг мавжудлиги ҳамда япониялик сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратилгани, сайёҳлик инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш даражасини такомиллаштириш бўйича республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар япон сайёҳлик компаниялари ва сайёҳатчиларини Ўзбекистонга янада кўпроқ жалб этмоқда.

"Club Tourism International" компанияси жорий йилда ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликни янада кенгайтиришни ҳамда фаол реклама кампанияларини олиб бориш ва янги сайёҳлик йўналишларини таклиф этиш орқали Япониядан Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар сонини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

**«Жаҳон» АА.**
Токио.

***Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётга татбиқ этилаётганислоҳотлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Замон талаблари даражасидаги тиббий хизматни ташкил этиш ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг бош мақсадидир.***

## ЯНГИ САЛОМАТЛИК МАРКАЗЛАРИ

▼ Тиббиёт



**СУРАТДА:** марказ фаолиятидан лавҳа. **Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрда эълон қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони тиббиёт соҳасида янада жиддий ўзгаришлар сари ташланган қадам бўлди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу ҳуқуқий ҳужжат тизимдаги ислоҳотларнинг янги босқичига тамал тоши қўйди.

Ушбу Фармонга мувофиқ, эндиликда юртимизда фаолият кўрсатиб турган тўртта тиббиёт маркази тажрибасидан келиб чиққан ҳолда яна 6 та, жумладан, Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси ва аёлларнинг репродуктив саломатлик марказлари негизида шу тизимга ихтисослашган марказ ташкил этилмоқда. Ана шу мақсадда, йил бошиданоқ давлат бюджети ҳисобидан керакли миқдорда маблағ ажратилди. Айни пайтда, ушбу маблағ эвазига тиббий муассаса тубдан реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаяпти. Бундан ташқари жорий йилда ушбу ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ Япония давлати томонидан уч ярим миллион АҚШ доллари ҳажмидаги грант асосида замонавий даволаш диагностика аппаратлари билан жиҳозланиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда мазкур марказнинг Нукус, Қарши, Жиззах ва Наманганда ҳам филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Бу каби мисоллар соҳада юз бераётган ўзгариш ва янгиланишларнинг бир қисми, холос.

**Ф. САНАЕВ.**

## МАВСУМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

***Бу йил хоразмликлар ўтган йилги эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашга аҳд қилишган.***

▼ Жараён

Одатда, деҳқонлар учун қиш нафас ростлаб оладиган пайт ҳисобланади. Хоразмликларнинг фикрича эса қиш — бекорчилик фасли эмас, балки қизғин иш фасли. Бу даврда дала ишлари қаторида асосий иш қуроли бўлмиш қишлоқ хўжалик техникаларини мавсумга пухта тайёрлаш талаб этилади. Ана шу юмуш ўтган йилнинг ноябрь ойиданоқ бошланган. Мавжуд техника воситалари 11 та МТПга келтирилиб, уларни таъмирлашга киришилди. Бунинг фойдали томонлари кўп. Аввало, ёнилғи-мойлаш материаллари тежалади. Эҳтиёт қисмлар ташиб кетилишининг олди олинади, яъни талон-торожликка йўл қўйилмайди. Қолаверса, чилангар ва механизаторлар ўзаро тажриба алмашиб, билмаганини ўрганадилар, бу билан вақтдан унумли фойдаланадилар. Натижами?

Ўтган даврда 2313 та чопиқ, 58 та ҳайдов трактори, 1905 та культиватор, 984 та сеялка, 573 та чизель қўлдан чиқарилди. Бунинг учун 1 млрд. сўмликдан ортиқ эҳтиёт қисмлар ишлатилди. Бунда, айниқса, «Хоразмагромахсустаъмирлаш» акциядорлик жамияти жамоасининг ҳиссаси катта бўлди.

Вилоят МТП бирлашмаси бу йил техника хизмати кўрсатиш бўйича 3 мингдан ортиқ фермер хўжалиги билан шартнома имзолаган. Бу шартнома мажбуриятларини бажариш учун унинг имкониятлари етарли. Хусусан, Урганч, Боғот, Шовот, Хива, Хонқа, Гурлан, Янгибозор туманларида мавсумда ишлатиладиган турли русумдаги тракторлар ва агрегатлар шай қилиб қўйилди.

— Биз экиш техникаларини созлаш билангина чекланиб қолаётганимиз йўқ, — дейди Урганч туманидаги «Урганч машина-трактор парки» акциядорлик жамияти раиси Оллаберган Ҳакимов. — Айни пайтда ғўза қатор ораларига ишлов берадиган, ғаллани ўриб-янчадиган агрегатларни ҳам таъмирлаш ишларини якунлаш арафасида турибмиз. Ҳозиргача фермерларнинг 7 та комбайнини таъмирдан чиқардик.

Вилоятда қишлоқ хўжалик техникасини мавсумга тайёрлаш билан бирга, техника паркини янгилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йили 24 дона «МХМ-140» русумли ҳайдов, 100 дан ортиқ чопиқ тракторлари лизинг асосида харид қилинган эди. Бу йил яна 100 дона чопиқ, 30 дона ҳайдов трактори, 20 дона сеялка лизинг асосида сотиб олинади. Буларнинг ҳаммаси мавсум давомида деҳқонга мададкор бўлади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, шаҳар ва туман ҳокимларининг Қарши шаҳрида ташкил этилган минтақавий ўқув-семинари ниҳоясига етди.***

## Минтақавий ўқув-семинар якунланди

▼ Анжуман

Унинг иштирокчилари «Ўзбекистон — демократлаштиришни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида», «Жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор вазифалари» мавзуларида маърузалар тингладилар. Машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси IV қурултойидаги «Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир» номли маърузалари видеотасвирларда намойиш этилиб, уларнинг мазмун-моҳияти атрофлича ўрганилди.

Машғулотлар жараёнида Тошкент шаҳри, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Муборак ва Ғузор туманлари ҳокимликлари билан тўғридан-тўғри телемулоқотлар ўтказилди.

Ўқув-семинар қатнашчиларининг мавзуни қай даражада ўзлаштирганлиги тест синовлари орқали ўрганиб борилди. Якуний тест синовлари натижаларига кўра, иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг сертификатлари топширилди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Муҳим агротехник тадбир

***Вилоят фермерлари етказиб бераётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бешдан бир қисми Марказий Фарғона ерларида етиштирилади. Бироқ бу ерда ернинг шўри 2-3 марта ювилсагина кўзланган марраға эришиш мумкин. Бундай майдонлар эса вилоят бўйича 60 минг гектардан кўпроқни ташкил этади.***

Бу муҳим тадбирни сифатли, ўз вақтида амалга ошириш учун «Сирдарё-Сўх» ирригация тизимлари бошқармаси таркибидаги гидрогеология-мелиорация экспедицияси мутахассислари Марказий Фарғонага 200 дан зиёд экскаватор, тозалаш, суғориш агрегатлари, мелиорация механизмларини сафарбар қилди. Чўлқувар ирригаторлар чилланинг изғиринли кунларида ҳам иш суръатини бўшаштирмаяптилар.

Тошлоқ туманининг 20 та фермер хўжалиги қўриқ ерларда деҳқончилик қилади. Уларга қарашли 450 гектар майдоннинг шўри ҳозиргача 2 марта ювилди. Мироблар айни пайтда учинчи шўр ювишга тайёргарлик кўришяпти.

«Фарғонаирқурилиш» очиқ акционерлик жамиятининг 38 та экскаватори эса зовурларни тозалаш, сув йўлларини тартибга келтиришга сафарбар этилган. Ҳозиргача бу жамоа кучи билан 500 километрдан зиёд зовурлар тозаланиб, 2,5 миллион кубометр ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Навоий вилоятидаги ўн бешта иқтисодий ночор корхонага уч миллиард сўмлик сармоя киритилган эди.***

## Сармоя наф келтирди

Ушбу тадбир уларнинг қолоқликдан чиқиб кетишига имкон яратди. Оқибатда, ўнта корхона дебиторлик ва кредиторлик қарзларидан қутилди.

Тўққизта корхонада ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 120 фоизга ўсди. Уч юзга яқин янги иш ўринлари яратилди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Пойтахтимиздаги "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари ресурс марказида ёш киносценарийчилар ўртасида ўтказилган "Энг яхши сценарий" танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

## Ёш киноижодкорлар танлови

— Тадбирда юзлаб сценарийлар кўриб чиқилди, — дейди марказ аъзоларидан бири Рустам Мўминов. — Танловни ўтказишдан мақсад ёшларнинг ижодий салоҳиятини ошириш, янги иқтидорларни кашф этишдир.

Ҳаваскор киноижодкорлар ўртасида илк бора ўтказилган мазкур танловда иқтидорли ёшлардан Бахтиёр Бегалиев, Эльвира Балгаева, Наталья Алламуродова, Нодир Нишонов, Сергей Ан, Вартан Айрапеловлар ғолибликни қўлга киритишди.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Иқлим

***Шамсия йил тақвимига кўра, ҳозир айни далв. Яъни йилнинг ўн биринчи ойи. Кўп йиллик кузатишларга қараганда, баъзи йиллари бу ойда совуқ ҳаво забтига олса, баъзан енгил ўтади. Табиат ошуфталарининг фикрича, жорий йилда унинг совуқ кунлари ортда қолди. Бундан буёғига ҳаво илий бошлайди.***

## ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Далв чорвадорлар учун қишнинг сўнгги ойи ҳисобланади. Ҳадемай, қантар оғиб, қозиқ устида қор турмайди. Зотан, халқимизнинг "Далв кирди – давр кирди" мақолида ҳам ана шунга ишора бордек, назаримизда.

Энди келаётган 5 кун учун об-ҳаво маълумоти билан танишинг. «Ўзгидромет»дан хабар қилишларича, 2-5 февраль кунлари мамлакатимизда ҳаво ўзгарувчан бўлиб, айрим туманларда қисқа муддатли қор, ёмғир ёғиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятларида ёғингарчилик кутилмайди, туман тушади. 6 февраль куни эса мамлакатимиз бўйича ҳаво очиқ бўлади.

Ҳарорат 2 февралда кундузи 0-5 даража илиқ, кечаси 0-5 даража совуқ бўлади. 3-6 февраль кунлари кундузи 2 даража совуқ — 3 даража илиқ, кечалари 2-7 даража совуқ ҳарорат бўлиши кутилмоқда. Шамол Ғарбдан 7-12 м/с. тезликда эсиб, айрим жойларда 2-3 февралда 15-20 м/с.гача кучайиши мумкин.

Республикамиз шимолида эса ҳарорат кечаси 8-13, кундузи 2-7 даража совуқни ташкил этади.

Шу кунларда тоғли туманларда ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли қор ёғади. 2-5 февраль кунлари қор кўчиш хавфи бор. Ҳарорат бугун 3 даража совуқ — 2 даража илиқ, кечаси 3-8 даража совуқ бўлади. 3-6 февраль кунлари 3-8, кечалари 7-12 даража совуқ бўлиши кутиляпти.

# Ўн тўрт ёшида

***Эндигина уч ёшга тўлган Сирожиддиннинг қулоқлари яхши эшитмай қолди. Табиийки, бу нутқининг ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатди.***

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



— Ўғлимнинг тенгдошларидан ажралиб, ўйга толиб, ҳеч кимга қўшилмай юришини кўриб қийналиб кетардим, — дейди Савронбек ака Зайниддинов. — Не-не таниқли шифокорларга кўрсатдим, фойдаси бўлмади. Беш ёшга тўлганида зерикмасин деб, шахмат ўйнашни ўргата бошладим. У бу ўйинни тезда ўзлаштириб олди. Шахмат унинг овунчоғига айланди. Аста-секин мени, акаларини ҳам юта бошлади. Шахмат билан мунтазам шуғулланиш саломатлигининг аста-секин тикланишига ижобий таъсир кўрсатди. Кейинчалик танишларим Сирожиддинни Тошкентдаги 106-махсус мактаб-интернатга ўқишга юборишни маслаҳат беришди. Мактабдаги устозларидан бир умр миннатдорман. Уларнинг меҳрибонликлари ва ёрдами туфайли ўғлим тез орада энг намунали ўқувчилардан бирига айланди. Шахмат бўйича мамлакат ва халқаро миқёсдаги турнирларда муваффақиятли иштирок эта бошлади.

... 2004 йилнинг ёзи. Германияда ICSC (International commitee of silent chess) таснифида ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда Ўзбекистон шарафини арнасойлик (Жиззах вилояти) Сирожиддин Зайниддинов ҳимоя қилди. У ўзидан ёши анча катта бўлган украиналик жаҳон чемпиони Тарас Овчаров, россиялик Юрий Голошов, швейцариялик Аберганц Тобец сингари таниқли шахматчиларни мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди. 14 ёшли ўзбек ўғлони Сирожиддин Зайниддинов жаҳон чемпиони. Албатта, 28 мамлакат вакиллари ичида биринчи бўлиш осон эмас.

**Шахматдаги дастлабки ўн юришда 170 000 000 000 000 000 000 000 йўл бор.**

— Эътибор берган бўлсангиз халқаро турнирларда шахматчилар ёнига ўз давлатларининг байроқлари қўйилади, — дейди Сирожиддин. — Бу томошабинларга қулайлик туғдириши билан бирга спортчиларга ғурур бахш этиб, юрт шарафини ҳимоя қилиш масъулияти юклангaнлигини ҳам эслатиб туради. Мусобақаларда жонажон Ўзбекистонимизнинг байроғи менга доимо куч бағишлаб туради. Жаҳон чемпионатидаги ғалабам эвазига Юртбошимиздан табрик хати олганлигимдаги ҳаяжонни сўз билан таърифлашим қийин. Табрикдаги бир калом мени жуда руҳлантириб юборди: "Агар одам ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бу йўлда қийинчилик ва машаққатларни ирода ва сабот билан енгиб, қатъият билан олға интилса, ҳеч шубҳасиз, кўзлаган марраларига, албатта, етади..." Дарҳақиқат, шундай. Кейинчалик, яъни 2005 йили Қозоғистонда ICSC (International commitee of silent chess) таснифида катталар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгалладим. Соғлом кишилар ўртасида уюштирилган Тошкент шаҳар чемпионатида ҳам бир неча бор совриндор бўлдим. Бунда ўз олдимга қўйган аниқ мақсадим менга куч бағишлади.

***Истеъдод***

Дарвоқе, ҳозирда Сирожиддин пойтахтимиздаги 106-махсус мактаб-интернатнинг 10-синфида ўқияпти. Нафақат спортда, балки ўқишда ҳам тенгдошларига ўрнак бўлмоқда. У ҳозир бутун диққат-эътиборини машғулотларга қаратган. Чунки, жорий йил Швейцарияда ICSC (International commitee of silent chess) таснифида ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида яна бир бор ўз имкониятини синаб кўради. Ушбу нуфузли беллашувда Сирожиддинга омад тилаймиз.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

**Қадрият**

## От устида кураш

**Миллий халқ ўйинлари ҳисобланган — от устида кураш билан, асосан, кеч куздан баҳорнинг охиригача шуғулланиш мумкин. Унда полвоннинг ҳам, отнинг ҳам кучи синалади.**

Шу сабабли, аждодларимиз унга қизғин тайёргарлик кўришган. Ўйинда иккита отлиқ иштирок этади ва улардан қайси бири иккинчисини отнинг устидан йиқитса, унинг ўзиям, отиям ғолиб бўлади.

— Ушбу беллашувнинг йигитларимиз чиниқишига таъсири катта, — дейди деновлик Ашур бобо Мавлонов. — Аввало, йиқилмаслик учун оёқ билан отнинг бели маҳкам қисилади, қолган куч эса билакка йиғилади. Бу ҳолат ўйин тугагунча давом этади. Демак, бу ўйин кишини нафақат чиниқтиради, балки ақлан зийрак бўлишга ҳам ўргатади.

## Чиллак гольфнинг шеригими?

**Чиллак билан куз ва баҳор ойларида шуғулланиш мумкин. Унда икки киши иштирок этади.**

Қуръада ғолиб чиққан биринчи иштирокчи таёқ ёрдамида чўпни уриб узоққа учиради. Иккинчи иштирокчи уни тушган ердан ўчоққа — урилган ерга отади. Чўп кўзланган ерга тушса, биринчи иштирокчи мот ҳисобланади. Тушмаса, биринчи ўйинчига чўпни уч марта уриш имкони берилади. Иккинчи ўйинчи эса ўртадаги масофадан ўчоққа қадар чаққонлик билан югуриб келиши керак.

Ота-боболаримизнинг айтишича, чиллак шеърини айтиб югуришнинг фойдали жиҳатлари кўп. У ичдаги барча ғуборларни ва иллатларни тозалашга ёрдам бераркан.

**Дилмурод СОДИҚОВ тайёрлади.**

# Спортнинг олами сирли



# МАЙДОН ТЕКИС, ТЎП ЮМАЛОҚ

### Футбол билан чекланмади

Испания терма жамоаси аъзоси Хесус Мануэль Девота (1964 йилдан 1968 йилгача терма жамоа сафида тўп сурган) футболга келгунга қадар эшкак эшиш бўйича икки марта Олимпиада олтин медалини қўлга киритган. Ушбу терма жамоанинг яна бир ўйинчиси Меса Лусидо эса футболдан кетгач Барселона симфоник оркестрида мусиқачи бўлган. 1969 йилда у Чайковский номидаги танловда иштирок этган.

### Фанатлар дастидан дод

**Англиялик футбол фанатларининг ўйинлар пайтидаги қилиқлари доимо полициячиларни хушёр туришга ундайди. Чунки севимли жамоалари мағлубиятга учраса, улар ҳеч кимни аяб ўтиришмайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, туманли альбион футбол фанатлари ҳар йили давлат ва хусусий сектор хазинасига 40 миллион фунт-стерлинг зарар келтирар экан.**

### *Гарринча нега оқсаган?*

Газеталарда бразилиялик машҳур футболчи Гарринчанинг бир оёғи иккинчисидан 12 сантиметр калталиги ҳақида кўплаб мақолалар чиққан. Аслида бу нотўғри гап. Футболчининг чап оёғидаги бош ва ўртанча бармоғи кесиб ташлангани учун, у бироз оқсаб юрган.

### Юрагингиз хаста бўлса...

Дунёда шу пайтгача футбол ўйини чоғида юрак ўйноғи хасталиги туфайли 220 нафар ишқибоз вафот этган. Булар фақат стадионда рўй берган фожиалар, холос. Немис олимларининг ҳисоб-китобларига қараганда, сўнгги 20 йилда футбол кўраётган пайтда инфарктдан 40 мингдан кўпроқ киши ҳаёт билан видолашган.

### *Қоракўлдан қўймасин*

Дунёдаги кўплаб мамлакатларда тўп ишлаб чиқарилади. Албатта, фойдаланиладиган маҳсулотга қараб, уларнинг сифати ҳам турлича бўлади. Сўнгги тадқиқотларга қараганда, энг сифатли тўплар қоракўл қўйлар терисидан тикилар экан.

**Жаҳон ОАВ материаллари асосида тайёрланди.**

## Копток қўлдан тушмасин



**Халқаро волейбол федерацияси дунёдаги аъзоси энг кўп спорт ташкилоти ҳисобланади. У ўз таркибига 218 мамлакатни бирлаштирган.**

**Биласизми?**

«Wilson» фирмасида ишлаб чиқарилган ва «Дарбадар» фильми қаҳрамони Том Хэнкснинг тушкун кунларида унга шерик бўлган волейбол тўпи Интернет аукционида 18 400 долларга сотилган.

**Маълумотларга қараганда, ер юзида волейбол билан бир миллиардга яқин одам шуғулланади.**

**Волейбол тўпни майдонга туширмасликни шарт қилган ягона спорт тури ҳисобланади.**

1983 йилда волейбол бўйича собиқ Иттифоқ ва Бразилия терма жамоалари ўртасидаги ўртоқлик учрашувини 100 000 томошабин кузатган. Ўйин «Маракана» футбол стадионида ўтказилган.

## *Зое кетмаган совға*



Бундан қарийб бир ярим аср муқаддам америкалик тадбиркор Дуайт Дэвис рафиқасининг таваллуд кунида унга салат тайёрлаш учун мўлжалланган кумуш лаганчани ҳадя этади. Турмуш ўртоғининг хасислигидан ранжиган хоним, табиийки, совғани қабул қилишдан бош тортади. Ортиқча чиқимга тоқати йўқ тадбиркор лаганчани айни ўша кунларда ўзи ташкиллаштирган халқаро теннис турнири ғолибларига мукофот тариқасида бериб, «бир ўқ билан икки қуённи уради».

***Ажиб дунё***

## *«Ким олади-ё шу қадаҳни-ё...»*

Қадимги Грецияда Олимпиада ғолиблари ўткир мусаллас билан сийланиши анъана тусини олган эди. Тадбир ташкилотчилари ғолиб мусалласни қийналмай ичиши учун уни улкан қадаҳ кўринишидаги тилла ҳалли идишда топширишарди. Ҳатто, тарихчи Геродотнинг қайд этишича, айрим спортчилар айнан ўша ичимликни деб Олимпиада мусобақаларида қатнашишган. Ҳозир тақдим этилаётган совринларнинг шакли қадаҳга монанд бўлиши ҳам ўша даврдан қолган бўлса ажаб эмас.

## ШАШКА ШАХМАТДАН ҚАДИМИЙРОҚ

**1958 йилда Жей Фостер стол тенниси бўйича Ямайка чемпионатида ғолиб бўлган. Ўша вақтда у 8 ёшда эди.**

***Наҳотки?..***

**Машҳур боксчи Майк Тайсон рингда ўтказган 51 жангининг 21 тасини биринчи раундда нокаут билан тугатган.**

**Спортдаги энг секин тезлик 1889 йилнинг 12 август куни қайд этилган. Ўшанда арқон тортувчилар соатига 1,35 км. тезликда ҳаракат қилишган.**

**Шашка шахматдан ҳам қадимийроқ ўйин тури ҳисобланади.**

**Олимпиада медалига сазовор бўлган энг кекса одам Оскар Сван ҳисобланади. У 1920 йилда Швецияда ўтказилган Олимпиадада ўқ отиш мусобақаларида иккинчи ўринни олганда 72 ёшда эди.**

**От спорти мусобақаларида иштирокчи отларнинг номлари 18 ҳарфдан кўп бўлмаслиги керак.**

**Англиядаги «Уэмбли» стадионида фақат ўйин ўтказилади. Унда машқ қилиш мумкин эмас.**

**Стол тенниси шарининг оғирлиги 2,5 граммни ташкил этади.**

**Бугунги кунда қишки Олимпиада ўйинларининг безагига айланиб улгурган муз устида учиш спорт тури қачон пайдо бўлганлиги кўпчиликни қизиқтирса керак.**

## Муз устида нафис рақслар

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ушбу спорт тури XII аср бошларида Буюк Британияда пайдо бўлган. Қиш ойлари британиялик ёшлар ўз оёқларига жониворларнинг тизза суякларини

***Санъат***

боғлаб олиб музлаб қолган сув ҳавзаларида машғулотлар ўтказишни бошлашган. Бора-бора бу машғулотлар оммавийлик касб этган. Ниҳоят, XVII асрнинг ўрталарига келиб Англияда темирдан ясалган конькилар пайдо бўла бошлади. Шундан сўнг бу спорт тури бошқа мамлакатларга ҳам ёйилди. Турли чемпионатларни мунтазам ўтказиб туриш йўлга қўйилди. 1908 йилга келиб эса, муз устида учиш қишки Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди.



**О. ТОШТЕМИРОВ тайёрлади.**

**Қадимги Рим аҳолиси тинчлик даврида ўзларининг жанговарликларини йўқотмаслик учун яккама-якка олишувларга чиқиб туришарди. Аста-секинлик билан мазкур беллашувлар тижорат мақомини касб этиб, «гладиаторлар жанги»ни пайдо қилди.**



## Замонавий гладиаторлар

*Ҳатто, сарой аъёнлари ҳам катта маблағ эвазига кучли жангчилару қулларни сотиб олиб, ўртага пул тикиш йўли билан гладиаторлар томошасини ташкил этишади. Илк пайтларда маълум бир қонун-қоидалар асосида ўтказилган «жанг»лар бора-бора жазавага тушган оломон талаби остида ғолибнинг мағлубни ўлдириши билан якунига етадиган бўлди.*

*Тадқиқотчиларнинг таҳлилларига қараганда, «гладиаторлар жанги» бугунги кунда ҳам мавжуд. Уларнинг таъкидлашича, профессионал бокс бир қатор хусусиятларига кўра қадимги римликларнинг кўнгилочар машғулотини ёдга солади.*

# Навқирон «кекса сеньора»



**Ёдингизда бўлса, бундан бир неча ҳафта муқаддам жаҳонга машҳур футбол юлдузларининг норасмий исмлари хусусидаги мақолани эътиборингизга ҳавола қилгандик. Буни қарангки, футбол ишқибозларию спорт нашрлари нафақат ўзларининг севимли ўйинчилари, балки суюкли жамоаларини ҳам норасмий номларга «кўмиб ташлашган» экан.**

«Манчестер Юнайтед» клуби ҳақида гап кетганда, албатта, беихтиёр уларни «қизил иблислар» деб юборганингизни сезмайсиз. Табиийки, мазкур жамоа ўйинчиларининг илдам ҳаракатлари, фантастик тезлиги, ажойиб тўп оширишларию кўз илғамас дриблинглари бунинг асосий сабабидир. Ушбу ном шунчалик урфга кирдики, бугун «МЮ»ни бошқача аташ мумкин эмасдек.

Мадриднинг «Реал» клуби эса бир қатор «тахаллус»ларга эга. Масалан, жамоа бир неча ўн йилликлардан буён «Қироллик клуби» дея атаб келинарди. 2001-2003 йиллар мобайнида дунёнинг бир қатор «юлдуз»лари мадридликлар сафидан жой олгач, клуб «Галактикос»га айланди. Бугунги кунда «Реал»ни кўпроқ «Бланкос» дея аташади.

Лондоннинг «Челси» клуби эса Роман Абрамович қўлига ўтгунча «кўклар» деб аталарди. «Челси»нинг обрўси анча юксалгач, унга янги тахаллус топиш эҳтиёжи туғилди. Ва табиийки, у жамоанинг бугунги қиёфасини акс эттириши лозим эди. Бу борада спорт нашрлари у қадар кўп изланмадилар: Роман оғанинг ҳамиша ўзини зодагонларча тутиши жамоага «аристократлар» номини олиб келди.

***Зўр-а!***

Бир қатор клубларга қўйилган лақаблар уларнинг либосларига хос эканини ҳам таъкидлаш зарур. Хусусан, Италиянинг «Интер» (Нераззури — қора-мовий), «Милан» (Россонер — қизил-қора), «Ювентус» (Бянканеро — оқ-қора) ҳамда «Лацио» (Бянкалестра — оқ-кўк) сингари жамоалари уй либосларининг ранги билан шарафланишади. Айрим тахаллуслар эса жамоа жойлашган шаҳар тарихи, клуб тарихи ёки унинг қайси ташкилотга тегишли экани билан ҳам боғлиқ. Масалан, «Рома» клуби Рим шарафини ҳимоя қилгани учун абадий шаҳар бунёдкорлари — Ромул ва Ремни ўлимдан асраб қолган она бўри шарафига «Бўрилар» деб аталади. Шунингдек, «Шахтёр» — «Кончилар», «Валенсия» — «Кўршапалаклар», «Ньюкасл» — «Қарғалар», «Вердер» — «Бременлик машшоқлар» ва ҳоказо.

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳатто терма жамоалар ҳам футбол фанатларининг эркалашидан бебаҳра қолмаган. Жумладан, беш карра жаҳон чемпиони Бразилия терма жамоасини ишқибозлар «пентакампеон» дея аташса, ЖЧ-2006 ғолиби — Италия терма жамоаси «Скуадра аззура», яъни «Мовий гвардия» деб номланади. Ўтган йилги жаҳон чемпионати мезбони Германия терма жамоаси эса «Немис машинаси» деган номга эга. ЖЧ-2010 мезбони ЖАР терма жамоаси ўз ишқибозлари томонидан «Бафана-Бафана» («Болакай») дея улуғланади.

Дарвоқе, Туриннинг «Ювентус» клуби «кекса сеньора» деб аталишидан ҳам хабарингиз бўлса керак. Буни қарангки, жамоа номи, яъни «Juventus» сўзи лотинчада «Абадий ёшлик» маъносини бераркан.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5 6 7